

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСИ**

ТОКАРЕВА КСЕНИЯ МУДЖАХИДОВНА

**БЕШКЕНТ ЭГИЛМАСИ ЮРА ДАВРИ КАРБОНАТ
ЎТҚИЗИҚЛАРИНИНГ ФИЛЬТРАЦИЯ-СИҒИМ ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА УЛАРИНИНГ НЕФТЬ ВА ГАЗ УЮМЛАРИНИ
БАШОРАТЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of geological and mineralogical sciences**

Токарева Ксения Муджахидовна

Бешкент эгилмаси юра даври карбонат ётқизикларининг фильтрация-
сиғим хусусиятлари ва уларнинг нефть ва газ уюмларини
башоратлашдаги аҳамияти 3

Токарева Ксения Муджахидовна

Фильтрационно-ёмкостные свойства юрских карбонатных отложений
Бешкентского прогиба и их значение для прогноза залежей нефти и газа
..... 19

Tokareva Kseniya Mudjakhidovna

Filtration-capacitive properties of jurassic carbonate deposits of the Beshkent
trough and their significance for the prediction of oil and gas deposits
..... 35

Нашр қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСИ**

ТОКАРЕВА КСЕНИЯ МУДЖАХИДОВНА

**БЕШКЕНТ ЭГИЛМАСИ ЮРА ДАВРИ КАРБОНАТ
ЎТҚИЗИҚЛАРИНИНГ ФИЛЬТРАЦИЯ-СИҒИМ ХУСУСИЯТЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ НЕФТЬ ВА ГАЗ УЮМЛАРИНИ
БАШОРАТЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2PhD/GM168 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қаршиев Одаш Абдугафорович геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Юлдашев Гафур геология-минералогия фанлари доктори Шарафутдинова Лейла Полатовна геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника Университети

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «10» январ соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри., Олимлар кўчаси, 64-Б уй., e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4348 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-Б уй., e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «15» декабр куни тарқатилди.
(2023 йил «16» октябрдаги 74 рақамли реестр баённомаси).



Т.Х. Шоймуротов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.д., к.и.х.

А.Н. Богданов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Дунёда энергия ресурсларига бўлган талаб тобора ортиб бораётган бир пайтда углеводород захиралари ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу билан бирга, оддий геологик тузилишга эга бўлган йирик нефт ва газ конларини ўрганиш жуда юқори даражага етди ва углеводородларни ўз ичига олган янада мураккаброқ объектларни қидиришга босқичма-босқич ўтиш кузатилмоқда. Шу муносабат билан нефт ва газ геологиясининг устувор вазифаларидан бири бу назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган, нефт ва газ захирасини ўсишини ошириш мақсадида мураккаб карбонат резервуарларини фильтрация-сиғим хусусиятларини моделлаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда мураккаб турдаги коллекторларга эга бўлган углеводород конларини ишончли башорат қилиш имконини берадиган технологиялар билан боғлиқ янги илмий йўналишларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, турли фазага таркибга эга углеводородларни ўз ичига олган дарзланган карбонат жинсларнинг петроэластик моделини ишлаб чиқиш, сейсмик маълумотлар асосида геологик тузилмаларнинг сувоқлик билан тўйинганлигини аниқлаш, карбонат маҳсулдор конларининг филтрлаш ва сиғим хусусиятларини миқдорий баҳолаш ва разведка самарадорлигини ошириш учун уларнинг зонал башоратлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш учун геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш, ёнувчи қазилма бойликларни қидиришнинг илғор технологияларини жорий этиш, барқарор ёқилғи-энергетика тизимини яратиш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистон тааққиёт стратегиясида «миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юқори технологияли дастурий таъминотлардан фойдаланиш, юра карбонат конларида қатламлар фильтрация-сиғим хусусиятларининг фазовий тақсимланишини ҳисобга олиб геологик моделларни ўрганиш, шунингдек углеводород захираларини ўсишини таъминлайдиган нефть ва газ учун геология-қидирув ишларининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4522-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 – сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

«2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги «Маъмурий ислоҳотлар доирасида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-116-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бухоро-Хива нефтгазли худуди, жумладан Бешкент эгилмаси юра даври карбонат ётқизикларининг геологик тузилиши хусусиятларини геолого-геофизик ва бурғилаш ишлари билан ўрганишга оид кўп йиллик тадқиқотлар асосида кўп миқёсли маълумотлар базаси шакллантирилди, бу эса коллекторлик хоссаларнинг тарқалиш қонуниятларини етарлича яхлит ва ишончли аниқлаш имконини берди. Г.С. Абдуллаев, Е.М. Абетов, А.А. Абидов, А.М. Акромхўжаев, В.П. Алексеев, М.Х. Арифджанов, П.У. Ахмедов, А.Г. Бабаев, А.А. Бакиров, А.Н. Богданов, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, Г.Б. Евсеева, А.Г. Ибрагимов, Х.Х. Миркамалов, А.Х. Нугманов, С.Р. Рамазанов, Л.Н. Сафонова, Б.Б. Таль-Вирский, З.С. Убайходжаева, С.Т. Хусанов, М.Э. Эгамбердиев, Н.К. Эйдельмант ва бошқа бир қанча олимларнинг илмий ишларида қатламларнинг геологик тузилиш хусусиятлари, нефтгазлилик истиқболи, тектоника ва стратиграфияси, коллектор тоғ жинсларининг тарқалиш қонуниятлари акс эттирилган.

Юра даври карбонат формациясининг геологик хусусиятлари, унда углеводородлар тўпланиш шароити мавжудлиги, Бешкент эгилмасида 50 тадан кўп конларнинг очилиши билан тасдиқланганлиги бу ҳудудда янги нефть ва газ уюмларини очиш ва углеводород захираларини кўпайтириш мақсадида қатламларнинг коллекторлик хусусиятларини баҳолашда ноаниқликларни камайтириш катта аҳамиятга эга.

Фильтрация-сиғимли хусусиятларини (ФСХ) ўрганиш бўйича ишлар кўп йиллардан буён давом этаётганига қарамай, соҳа ривожланишининг замонавий босқичида Rock Physics (петроэластик моделлаштириш), сейсмик инверсия, нейрон тармоқлар (машинали ўқитиш) каби геологик моделлаштиришнинг аниқлиги ва ишончлилигини оптималлаштириш масалаларини ҳал қилишга имкон берувчи инновацион усулларни қўллаш зарур.

Геологик ва геофизик маълумотлар мажмуаси асосида чўкинди жинсларда замонавий талқин қилиш схемаси ва петроэластик моделлаштиришдан фойдаланиш бугунги кунда жуда долзарб вазифа бўлиб, бу фильтрация-сиғимли хусусиятларининг фазовий тарқалиш

хусусиятларини юқори даражали ишонччиликда аниқлаш имконини беради, бу айниқса мураккаб турдаги коллекторлар билан боғлиқ бўлган карбонат ётқизиқларида муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 13-20 «Бухоро-Хива нефтьгазли худуди ва унга туташ худудларда углеводород уюмларини аниқлашга истиқболли участкаларни аниқлаш учун тўсиқли риф ётқизиқлари тарқалиш зоналарини ва геологик тузилишини аниқлаштириш» (2020-2021), 44-21 «Бухоро-Хива нефтьгазли худудида янги майдонлар ва конлардаги изловқидирув кудуқлари бўйича юра карбонат формацияси маҳсулдор горизонтларининг фильтрация-сиғимли хоссаларини ўрганиш ва литолого-стратиграфик, фашиал таҳлили» (2021-2022), 28-22 «Геологик-геофизик материалларни ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг нефтьгазли худудлари маҳсулдор горизонтларининг чегаравий қийматларини асослаш» (2022-2024), 83-22 «Денгизқўл кўтарилмаси ва унга туташ худудларнинг геологик тузилиши ва уларнинг нефтьгазга истиқболлини баҳолаш» (2022-2023) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефть ва газ уюмларини башоратлаш қилиш учун Бешкент эгилмасидаги юра карбонат формацияси ётқизиқларининг фильтрация-сиғимли хусусиятларини миқдорий баҳолаш ва тарқалиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бешкент эгилмаси карбонат ётқизиқларининг геологик, литологик, петрофизик, эластиклик хусусиятларини ўрганиш;

юқори ва ўрта юра карбонат жинсларининг коллекторлик ва эластиклик хоссаларини ҳисоблаш имконини берувчи коэффициентларни аниқлаш орқали депрессия фацияси зонасида жойлашган ётқизиқлар учун петрофизик ва петроэластик боғлиқликларни аниқлаш;

Бешкент эгилмаси худудига хос бўлган юқори аномал қатлам босимининг карбонат қатламлари коллектор хоссалари билан боғлиқлигини асослаш;

инновацион усулларни қўллаган ҳолда мисол тариқасида тадқиқот районида жойлашган участканинг янги, муфассал геологик моделини ишлаб чиқиш;

Бешкент эгилмасида маълум геологик ва фашиал шароитда ҳосил бўлган карбонат ётқизиқларининг фильтрация-сиғимли хусусиятларини тарқалиш қонуниятларини ўрганиш;

Бешкент эгилмаси юра ётқизиқлари карбонат формациясининг фильтрация-сиғимли хусусиятлари ва коллекторлик параметрларини миқдорий баҳолаш асосида истиқболлилик даражасига кўра таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бешкент эгилмасининг юра карбонат формациясининг турли фацал зоналаридаги коллектор тоғ-жинслари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Бешкент эгилмаси ўрта-юқори юра карбонат ётқизикларининг фильтрация-сиғим хусусиятлари ва уларнинг эластиклик хоссалари билан боғлиқлиги ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда коллекторлик хусусиятларини тарқалишини башорат қилиш учун Petrel, Techlog, HampsonRussell, Камертон каби замонавий дастурий таъминотлар ёрдамида геолого-геофизик, петрофизик, литологик, петроэластик ва бурғилаш маълумотларини комплекс таҳлили усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива нефтгазли ҳудуди жануби-шарқий қисмидаги депрессион фация зонасида нефть ва газ уюмларини башорат қилиш имконини берадиган ғоваклик ва акустик импеданс қийматлари ўртасидаги характерли боғланишлар мавжудлиги аниқланган;

эхтимоллик ёндашувлари билан сейсмик маълумотларни динамик талқини асосида карбонат тоғ-жинсларини фильтрация-сиғим хусусиятларини башорат қилиш имконияти исботланган;

Бешкент эгилмасида истиқболли объектларни аниқлаш имконини берадиган юра карбонат формацияси ётқизиклари депрессион, риф, лагуна фацал зоналаридаги коллектор қатламларнинг истиқболлилик таснифи мезонлари ишлаб чиқилган;

Бешкент эгилмаси юра карбонат ётқизиклари учун коллектор қатламларнинг фильтрация-сиғим хусусиятлар мавжуд маълумотлари ва статистик муҳимлиги бўйича тақсимотини ҳисобга олган ҳолда геология-қидирув ишларининг оқилона йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

депрессион фацал зонасидаги конлар маълумотлари бўйича ўрта-юқори юра карбонат ётқизиклари учун қудуқ геофизик тадқиқотлари маълумотларини комплекс талқин қилиш аниқлигини оширадиган петрофизик боғлиқликлар аниқланган;

Бешкент эгилмаси карбонат ётқизиклари учун конларни ўзлаштириш жараёнида маҳсулдор карбонат қатламлари ўртача ғоваклик қийматларини баҳолаш имкониятини берадиган қатлам босими аномаллик коэффиенти тарқалиш харитаси тузилди, шунингдек қатлам кўрсаткичлари ва коллекторлик хусусиятлари орасидаги боғлиқлик тенграммалари аниқланган;

Бешкент эгилмасидаги Шеркент-Рубойи ҳудуди мисолида мавжуд геолого-геофизик маълумотлар замонавий интерпретация технологиялари ёрдамида умумлаштирилиб, ўрта-юқори юра карбонат ётқизикларининг фильтрация-сиғим хусусиятлари моделлаштирилган;

Бешкент эгилмасининг юра карбонат ётқизиклари учун керн материалларини ўрганиш ва қудуқлардаги геофизик маълумотларни талқин қилиш асосида ғоваклик, ўтказувчанлик, шунингдек самарали

калинлик ҳамда нефтгазлилик ўртача қийматлари башорат хариталари ишлаб чиқилган;

Бешкент эгилмаси юра ётқизиқлари карбонат формациясининг фильтрация-сиғим хусусиятлари ва коллектор параметрлари таснифи асосида худуднинг геологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда биринчи марта коллекторларнинг истиқболлиги харитаси тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги сейсмоқидирув 2D (19087,7 пог.км) ва 3D усуллари маълумотлари, келловей-кимеридж даври карбонат формацияси ётқизиқларини очган 512 та кудуқлар, керн ва шлам лаборатория тадқиқотлари (1500 дан ортиқ наъмуналар, 205 та шлифлар), кудуқлар каротаж диаграмма маълумотлари талқини (90 дан ортиқ планшетлар) билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти карбонат коллектор жинсларининг фильтрация-сиғимли хоссаларини майдонда тарқалишини петрофизик, петроэластик ва регрессион боғлиқликлар орқали аниқлаш натижасида нефтгазлиликни янада ишончли башорат қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти геологик ва геофизик маълумотларни талқин қилиш жараёнига юра карбонат формацияси нефтгазга истиқболли ётқизиқларидаги мураккаб турдаги коллекторлар билан боғлиқ бўлган углеводород уюмларини башорат қилиш услубини жорий этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бешкент эгилмасидаги карбонат ётқизиқларининг фильтрация-сиғимли хоссаларини миқдорий баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўрта-юқори юра карбонат ётқизиқларининг депрессион фацияси учун аниқланган «керн-керн» шаклидаги петрофизик боғлиқликлари, ФСХ чегаравий қийматлари бўйича тавсиялари «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 26 апрелдаги 32-1089-сон маълумотномаси). Натижада, Илонли конининг 2, 3 ва 4 кудуқларидан саноат аҳамиятига эга 52 м³/кун миқдорида нефть ва 42 минг м³/кун миқдорида газ оқими олиш имконини берган;

юра даври карбонат ётқизиқлари учун петроэластик моделлаштириш ва кудуқ геофизик тадқиқотлари маълумотларининг янги талқини усули тавсияси «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 26 апрелдаги 32-1089-сон маълумотномаси). Натижада, Телегри майдонидаги 1-сонли кудуқда истиқболли оралиқлар ажратилиб, бевосита газлилик белгилари олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий ва илмий-техник конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иши чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми жами 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бешкент эгилмаси маҳсулдор қатламларининг геологик ва геофизик ўрганилганлик шарҳи**» деб номланган биринчи бобида Бешкент эгилмаси юра карбонат формациясининг геологик, геофизик ва бурғилаш билан ўрганилганлиги, шунингдек коллекторлик хусусиятларини ўрганишнинг асосий босқичлари шарҳланган.

Бешкент эгилмасининг юра карбонат ётқизикларининг геологик ўрганилганлиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган. Бухоро-Хива нефтгазли ҳудудининг (БХНГХ) жануби-шарқий қисмининг геологик тузилиши ва нефтгазлилик истиқболи тўғрисидаги тасаввурларнинг ривожланишига Г.С. Абдуллаев, А.М. Акрамхўжаев, П.У. Ахмедов, Ф.Г. Долгополов, З.С. Ибрагимов, Х.Х. Миркамалов, А.Х. Нугманов, Л.Н. Сафонова, З.С. Убайходжаева, Н.К. Фортунатова, М.Е. Эгамбердиев ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшишган.

XX асрнинг иккинчи ярми ўрта – юқори юра даври карбонат ётқизикларидаги органоген тузилмалар бўйича катта ҳажмдаги маълумотларнинг умумлаштирилиши билан ажралиб туради, натижада риф тушунчаси кўпчилик олимлар томонидан тан олинган. Бешкент эгилмасида ҳам юра карбонат ётқизикларининг маҳсулдорлиги 50 дан ортиқ нефть ва газ конларининг очилиши билан исботланган.

Тоғ жинсларининг коллекторлик хоссаларини ўрганиш жуда муҳим вазифа бўлиб, унинг ечими нефть ва газ уюмларини излаш ва разведка қилиш йўналишида кенг имкониятларни очиб беради. 1960 йилдан бошлаб З.С. Ибрагимов Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тизмаларининг (Бойсун, Қўгитанг) табиий очилмаларидан юра даври карбонат коллектор жинсларини ўрганиб, биринчи марта уларнинг ўзига хос юқори даражада

дарзланганлигини аниқлаган. Р.К. Гумиров, И.А. Мушин, В.М.Погожев, В.П. Фарбирович, Н.К. Фортунатова, А.Г. Швец-Тенета-Гурий ва бошқалар 1970 йилда бурғилаш ва сейсмик тадқиқотлар маълумотлари, кернинг лабораторияда тадқиқот қилиш натижалари ҳамда қудук геофизик тадқиқотлари (ҚГТ) маълумотларини талқин қилиш орқали тоғ жинсларининг генетик турлари билан боғлиқ юра даври карбонат ётқизиқларининг стандарт седиментацияли, фильтрация-сиғимли моделларни ишлаб чиқдилар. 2009-2020 йилларда П.У. Ахмедов, З.С. Убайходжаева, А.С. Мўминов ва бошқалар литологик ва физик хоссалари, минерал таркиби ва ҚГТ материалларига асосланган комплекс ёндашувни қўллашни бошладилар, бу эса ФСХ таҳлил қилишнинг батафсиллигини ошириш имконини берди ҳамда геология-қидирув ишларининг (ГҚИ) самарадорлигини оширишга ёрдам берди. К.И. Багринцева карбонатли коллекторларда дарзланганлик ва акустик хусусиятлар ўртасидаги боғлиқлик орқали ФСХ ларини аниқлаш усулини асослади.

Карбонатли коллекторларнинг петрофизик хусусиятларини ўрганиш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар конларнинг фильтрация-сиғимли хоссаларини баҳолашда уларнинг шубҳасиз аҳамиятини тасдиқлайди, аммо нефть ва газ саноати ривожланишининг ҳозирги босқичида уларнинг батафсил қудуклараро корреляцияси учун ФСХни ўрганишнинг янги инновацион усулларини жорий этиш зарурати мавжуд.

Бешкент эгилмасининг ғарбий, жануби-ғарбий, марказий, шарқий, шимоли-шарқий, жануби-шарқий қисмлари геофизик усуллар билан ўрганилган. Улар асосида геофизик усулларнинг асосий афзалликлари ва улар ёрдамида ҳал қилинадиган муаммоли масалалар аниқланди, локал объектлар доирасида ФСХларини моделлаштириш учун 2D ва 3D сейсмик қидирув ишлари асосий усул сифатида танланди.

Бешкент эгилмаси бурғилаш билан ўрганилганлик даражаси кўрсаткичлари қуйидагича: ҳудудда 512 та чуқур қудуқлар бурғиланган бўлиб, бурғилаш ҳажми 1792995 погон метрни ташкил этади. Шунга қарамасдан юра карбонат формациясининг нефть ва газга истиқболи юқори бўлиб, уни янада чуқурроқ ўрганиш, мураккаб турдаги структураларнинг геологик моделларини яратишга имкон берадиган ФСХларини ва конларнинг барча структуравий, динамик хусусиятларини тўлиқ тавсифлайдиган инновацион усулларни жорий этишни талаб қилади.

Диссертациянинг **«Юра даври ётқизиқлари карбонат формациясининг геологик тузилиши асосий хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти бўлган юра карбонат ётқизиқларининг литологик ва стратиграфик хусусиятлари кўрсатилган, геологик ривожланишнинг асосий босқичлари ва тектоник хусусиятлари ёритилган, шунингдек, Бешкент эгилмаси юра ётқизиқлари карбонат формациясининг нефтьгазли комплекслари тавсифи келтирилган.

Бешкент эгилмасида юра даври карбонат ётқизиқлари узлуксиз коплама сифатида тарқалган ва улар генезиси, фауна комплекси ва

палеогеографик шароитлари билан фарқланган учта стратиграфик седиментацияли комплексларга (қуйи, ўрта, юқори) бўлинади. Қуйи комплекси таркибида гил миқдори юқори бўлган тўқ кулранг, сув ўтли оҳактошларидан ташкил топган Қандим свитаси (XVI горизонт) билан ифодаланган. Ўрта комплекс Муборак свитаси ($XV_{po} + XV_a$ горизонтлари) билан ифодаланган. Свитанинг қуйи пачкаси онколитли, детритли ғовак оҳактошлардан ташкил топган. Юқори пачкаси эса органиген қатламлари бўлган гилли, тўқ кулранг оҳактошлар билан ифодаланади. Юқори комплекс эса фацияси таркибига кўра фарқ қилувчи учта палеогеографик зоналарни ўз ичига олади: риф зонаси – таркибига Ўртабулоқ (XV_p горизонти) ва Кушоб свиталари (XV_{py} горизонти) киради; лагуна зонаси – таркибига Гардарин свитаси (XV горизонт) киради ва депрессия зонаси - Хўжаипак свитасини ўз ичига олади. Ўртабулоқ свитаси қатламлари ғоваклиги ва ўтказувчанлиги юқори бўлган оч рангли ғовак оҳактошлардан ташкил топган. Кушоб свитаси зич ва ғовак оҳактош қатламчалари бўлган чақиқ-сув ўтли оҳактошлардан иборат. Хўжаипак свитасининг юқори қисмида қалинлиги 1-2 метр бўлган детритли, бўлаксимон-сув ўтли оҳактошлар қатлами жойлашган. Гардара свитаси ангидритлар билан алмашинадиган кулранг, зич, кучли дарзланган оҳактошлардан ташкил топган.

В.П. Гаврилов ўрганилаётган ҳудуднинг геологик ривожланиш тарихини тўртта асосий босқичга ажратади: палеозой, перм-триас, юра-эоцен, олигоцен-тўртламчи.

Ш.Д. Давлятов каледон ва герцин бурмачанглик даврларида Бухоро-Хива нефтгазли ҳудуди чўккан геосинклиналнинг бир қисми бўлиб, жадал бурмаланиш жараёнида бўлганлигини, унинг натижасида эса чўкинди ётқизиқларини метаморфизми ва бурмаланганлигини аниқлади. Юра даврида БХНГХ жануби-ғарбий йўналишда эгилиши кузатишга бўлиб, узилмалар бузилишлар фаоллашиб геоструктура элементлари шаклланишига бошланган. Эрта-ўрта юра даврида гумид иқлимнинг қулай шароитлари терриген ётқизиқларнинг ривожланишига олиб келган. Ўрта юра даврида континентал режим ўрнини прогрессив денгиз трансгрессиясига эга бўлган денгиз режими эгаллади, бу эса сўнгги юрагача давом этган. Бу даврда карбонат ётқизиқлари кенг миқёсда тарқалган бўлиб, таркибида риф қурувчи организмлар ривожланган. Титон даврида палеобассейн туби туз ва ангидрит қатламлари чўкиши билан тўлган.

Бешкент эгилмаси шимолдан Учбош-Қарши флексура-ёриқ зонаси (ФЁЗ) ва жануби-шарқдан Караил-Лангар ФЁЗ билан чегараланган, айнан ушбу тектоник бузилиш зоналари таъсирида бу ҳудудда шимоли-шарқий йўналишдаги узилмалар кўп учрайди, бу эса карбонат коллекторларида анизотропиянинг ривожланишига имкон беради.

Бешкент эгилмаси таркибига кирадиган структуравий элементларни қуйидагича таснифлаш мумкин: Топилма-Хилол, Айзават, Қамаш, Нишон, Шакарбулоқ, Аляутдин валлари; Ғузор ва Шуртан кўтарилмалари;

Қумтепа, Илим седловиналари; Жейнау, Авазчўл, Бўзтепа, Наур, Қумчук, Тармоқ, Айтотан, Карабай, Жайрон синклиналлари.

Ўзбекистоннинг нефтгазлилик истиқболи харитасига кўра (С.С.Юсупхўжаев, 2021й.) Бешкент газ-нефт макро райони (ГНМР) таркибида 9 та (Шимолий-Бешкент, Дарахтли, Бешкент-Оқназар, Алачавон, Гирсан, Аляутдин, Шўртан, Тармоқ, Толимаржон) газ-нефтли участкалар (ГНУ) ажратилади, улар тектоник ва структуравий хусусиятлари, шунингдек, башорат қилинган углеводород (УВ) ресурсларининг миқдори бўйича бир-биридан фарқ қилади. Кўплаб бажарилган геология-қидирув ишлари маълумотларига кўра нефтгазлиликнинг стратиграфик диапазони юра даври келловей кимеридж карбонат ётқизиқларининг XV, XV_{ру}, XV_р, XV_{ро}, XV_а, XVI маҳсулдор горизонтлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарияти регионал нефтгазли саналади.

Газнефтли участка, кон ва структуралар майдонларининг ўлчамлари, конлардаги углеводородларнинг фазавий ҳолати ва D₁+D₂ тоифали углеводород ресурсларининг тақсимланиш зичлиги бўйича диаграммавий таҳлили Бешкент эгилмасининг нефтгазлилик хусусиятларини ва истиқболини тавсифлаш имкониятини берди.

Диссертациянинг «Геологик-геофизик маълумотлар ва лаборатория тадқиқотлари комплекси асосида юра карбонат ётқизиқларининг фильтрация-сиғимли хоссаларини таҳлили» деб номланган учинчи бобида Бешкент эгилмасидаги Шеркент-Рубойи таянч участкаси мисолида юра карбонат қатлами маҳсулдор комплексларининг литологик-петрографик ва фильтрация-сиғимли хусусиятлари, маҳсулдор горизонтларда коллектор хоссаларининг хусусиятлари, қатлам аномал босими ва ғоваклик коэффициентларининг корреляциявий боғлиқлиги, петрофизик таҳлил, карбонат ётқизиқларини петроэластик моделлаштириш ва петроэластик боғлиқликларни таҳлил қилиш, карбонат жинсларининг эластиклик хоссаларининг қудуқлараро ўзаро корреляция си берилган.

Юра ётқизиқлари карбонат формациясининг литологик ва петрографик хусусиятларини ўрганиш доирасида қуйидагилар аниқланди: XVI горизонтнинг оҳактош қатлами паст ФСХлари билан тавсифланади ($K_f \sim 1-5\%$, $K_{\dot{y}} = 1 \cdot 10^{-3}$ мкм²), аммо донадор, ғоваклиги 6-8 % бўлган коллектор қатламлар ҳам учрайди, улардан саноат аҳамиятига эга газ оқими олинган (Гирсан, Бешкент, Бузахур ва бошқа конларда); XV_а горизонтининг коллекторлик хоссалари қуйидагича: депрессия зонасида $K_f = 1-12\%$, $K_{\dot{y}} \sim 0,5 \cdot 10^{-3}$ мкм², риф зонасида - $K_f = 3-12\%$, $K_{\dot{y}} = 0,1-10 \cdot 10^{-3}$ мкм², лагуна зонасида - $K_f = 5-20\%$, $K_{\dot{y}} \sim 0,1-20 \cdot 10^{-3}$ мкм² билан тавсифланади. Оқназар, Бешкент, Шакарбулоқ, Бузахур ва бошқа конларда маҳсулдорлиги тасдиқланган. XV_{ро} горизонтининг коллекторлик хоссалари қуйидагича: депрессия зонасида биогерм типига мансуб XV_{ро} горизонтининг оҳактошларида $K_f = 10-12\%$, $K_{\dot{y}} = 0,1-100 \cdot 10^{-3}$ мкм²; риф фацияларида XV_{ро} горизонтининг оҳактошлари $K_f = 1-20\%$, $K_{\dot{y}} = 0-20 - 100$

$\cdot 10^{-3}$ мкм², лагунали фацияларда – $K_f = 7-9\%$ қайд этилган; XV горизонтнинг юқори қисмидаги депрессия фациялари зонасида юпка оҳактош пачкаси учун $K_f \sim 5-8\%$ хосдир; XV_p горизонти учун $K_{\dot{y}} = 0,01$ дан $200 \cdot 10^{-3}$ мкм² гача ва $K_f = 3-25\%$ характерлидир; XV_{py} горизонтининг оҳактошлари $K_f = 0,5-20\%$, $K_{\dot{y}} = 0,001-200 \cdot 10^{-3}$ мкм²; лагунали фация зонасида XV горизонт $K_f = 1-10\%$, $K_{\dot{y}} = 0-12 \cdot 10^{-3}$ мкм² билан тавсифланади.

Бешкент эгилмасининг юра карбонат ётқизиқлари мажмуасида аномал юқори қатлам босимининг (АЮҚБ) минтақавий намоён бўлиши билан тавсифланади, шу билан бирга қатлам босими аномаллилик коэффициентининг турли фацнал зоналардаги ғоваклик коэффициенти билан тескари чизикли боғлиқлиги 0,705 корреляция коэффициенти билан тавсифланади. Туз-ангидрит қопқоқ қатлами қалинлигининг ошиши карбонат қатламида ғовакликнинг камайишига ва қатлам босимининг ортишига сабаб бўлиши аниқланди, шундай қилиб, қатлам босими аномаллилик коэффициентининг ғоваклик коэффициенти билан тескари чизикли боғлиқлигини геологик асослаш мумкин.

ФСХларни моделлаштириш доирасида комплекс ёндашувлар ишончли маълумотлар базасини (геология + керн + ҚГТ + сейсмик тадқиқотлар) талаб қилади, шунинг учун ҳам Бешкент эгилмасида нисбатан яхши ўрганилган, депрессия фацнал зонасида маҳсулдорлиги тасдиқланган Шеркент-Рубойи участкаси танланди. Бу участка мисолида петроэластик моделлаштириш технологиялари, сейсмик инверсия, нейрон тармоқлари ёрдамида геологик ва геофизик маълумотларнинг тизимли комплекс талқини амалга оширилди, бу эса фактик маълумотларни таққослаш имконини берди ҳамда геология-қидирув ишларининг аниқлиги ва ишончилигини ошириш учун танланган усулларнинг қўлланилишини ва уларни ҳар қандай истиқболли объектда қўллаш имконияти тасдиқланди.

Юқори-ўрта юра ётқизиқлари (XV , XV_{po} , XV_a , XVI горизонтлар) учун ғоваклик, ўтказувчанлик, қолдиқ сув билан тўйинганликнинг чегара қийматлари аниқланди, унга кўра $K_f = 6\%$, $K_{\dot{y}} = 0,1 \cdot 10^{-3}$ мкм², $K_{kc} = 78\%$. Ўрнатилган «керн-керн» боғлиқликларига асосланиб, коллектор хусусиятларини башорат қилишнинг аниқлигини оширишга акустика ва электрометрия усулларини бирлаштириш орқали эришиш мумкинлиги аниқланди. Бу эса зичлик каротажи мавжуд бўлмаган ҳолларда яхши алтернатив вариант бўлиши мумкин, тузилган петрофизик моделлар ёрдамида электрометрия, акустика ва зичлик каротажлари натижаларини тўлиқ миқдорий баҳолаш имконини беради.

Юра даври карбонат ётқизиқлари барча фацнал зоналари учун эластик хусусиятларини моделлаштириш ва литологик параметрларни миқдорий баҳолаш имконини берадиган ҳажмий литологик моделларни ҳисоблаш параметрлари, Раймер-Гарднер-Ҳант, Гринберг-Кастаня петроэластик моделлари учун нормализация коэффициентлари аниқланди. «Импеданс – ғоваклик», « V_p/V_s – ғоваклик» петроэластик боғлиқликлар таҳлили

сейсмик маълумотлардан (сейсмик инверсия) қатламнинг коллекторлик хоссаларини башорат қилиш имкониятини аниқлаш имконини берди.

Акустик детерминистик инверсия ёрдамида Шеркент-Рубойи худудида эластик хусусиятларни кудуклараро корреляцияси уларни карбонат кесимида қўллаш мумкинлигини исботлади, бунинг натижасида ғоваклик модели тузилди. Аммо, детерминистик ёндашувда ФСХ прогнозининг ноаниқлиги тўлиқ бартараф этилмаган, натижада нейрон тармоқлар, геостатистик (стохастик) инверсия каби янги ёндашувлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Диссертациннинг «**Бешкент эгилмасининг карбонат ётқизиклари филтрация-сиғимли хоссаларининг башорати**» деб номланган тўртинчи бобида Шеркент-Рубойи худудидаги коллекторларнинг тарқалиш зоналарини башорат қилишда стохастик инверсия ва нейротармоқлардан фойдаланиш натижалари келтирилади, Бешкент эгилмасида ФСХларининг ўзгаришидан келиб чиқиб, истиқболли зоналарни аниқлаш асослаб берилган ҳамда нефть ва газ уюмларини аниқлаш учун истиқболли худудларга геология-қидирув ишларини йўналишларига тавсиялар берилди.


Юра карбонат формацияси депрессион зонаси учун геологик, литологик, фашиал, филтрация-сиғим, эластик хусусиятлари орасидаги боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда ФСХ микдорий баҳоланди ва депрессия (XV (юқори қисми), XV_{po}, XV_a, XVI горизонтлар), риф (XV_{py}, XV_p, XV_{po}, XV_a, XVI горизонтлар) ва лагуна (XV, XV_{po}, XV_a, XVI горизонтлар) фашиал зоналаридан олинган «ҚГТ-кern» маълумотлари умумлаштирилиб, Бешкент эгилмаси худуди бўйича ФСХ тарқалиш хусусиятлари аниқланди. Тўртта асосий мезонлар: ғоваклик, ўтказувчанлик, самарали калинлик, нефтьгазга тўйинганлик ва битта қўшимча параметр, яъни аномал юқори қатлам босими жамланиб, Бешкент эгилмаси карбонат ётқизиклари коллекторларининг истиқболлилик харитаси (1-расм) яратилди, унга кўра тадқиқот райони 4 та - юқори истиқболли, истиқболли, ўрта истиқболли ва кам истиқболли зонага ажратилди.

Бешкент эгилмасида карбонат ётқизикларининг ФСХ тарқалиш тавсифи таҳлили қўшимча ўрганиш талаб қилинадиган участкаларни ажратиш имконини берди (1-расм). Бундай участкаларни геологик тузилишини аниқлаштириш биринчи навбатда, кам ўрганилганлиги ёки kern материаллари камлиги, 3Д сейсморазведка ва ҚГТ маълумотлари мавжуд эмаслиги билан асосланган.

Бешкент эгилмасида йирик истиқболли объектларнинг юқори даражада ўрганилганлиги кичик ўлчамдаги тузилмаларга қизиқишни белгилайди, аммо бундай объектларни чуқур бурғилашга тайёрлаш уларнинг истиқболлилик даражаси билан асосланиши керак, яъни ФСХни таҳлил қилиш ва юқори аниқликка эга рақамли геологик моделларни куриш орқали ҳал қилиниши керак, бу эса замонавий сейсмик инверсия технологияси, нейрон тармоқлари ва эҳтимолий башоратли баҳолашлардан

фойдаланган ҳолда кўп миқёсли геологик ва геофизик маълумотларни талқин қилишда комплекс ёндашувни талаб қилади.

Бешкент эгилмасининг карбонат формацияси юра даври ётқизиқларидаги коллекторлар истиқболлиги харитасига кўра (1-расм) юқори истиқболли, истиқболли, ўрта истиқболли зоналар билан биргаликда паст истиқболли зоналарни қамраб олган ҳудудларда ҳам аниқланган, чуқур бурғилашга тайёрланган ва бурғилаш жараёнидаги объектларни хариталаш мақсадида 3D сейсмик тадқиқотларни ўтказиш тавсия қилинган.



1-расм. Бешкент эгилмаси карбонат формацияси юра ётқизиқларидаги коллекторлар истиқболлиги харитаси.

Тузувчи: Токарева К.М., 2023 й.

1 – газконденсат конлари; 2 – нефть конлари; 3 – нефть ва газконденсат конлари; 4 – бурғилаш ишлари олиб борилаётган тузилмалар; 5 – бурғилашга тайёрланган тузилмалар; 6 – аниқланган тузилмалар; 7 – бурғилашдан чиқарилган тузилмалар; 8 – юқори истиқболли зона; 9 – истиқболли зона; 10 – ўрта истиқболли зона; 11 – кам истиқболли зона; 12 – тўсиқ рифининг орқа чегараси; 13 – тўсиқ рифининг фронтал чегараси; 14 – маълумотларнинг камлиги сабабли қўшимча тадқиқотлар учун тавсия этилган ҳудудлар чегараси; 15 – тектоник элементлар чегараси; 16 – Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси; 17 – тектоник бузилишлар.

Географик жиҳатдан Бешкент эгилмасининг жанубий қисмида жойлашган ва ўрта истиқболли зонага мансуб Толли, Гурчак, Сандал

объектлари учун бурғилаш ишларини керн наъмуналари олиш билан давом эттириш ва юра даври оралиғида тўлиқ ҚГТ комплексини ўтказиш тавсия қилинади ва бу билан геологик, структуравий, фильтрация-сифимли хусусиятлари ҳамда нефтгазлилигини аниқлаштириш масаласи ҳал этилади.

ҚГТ маълумотларини қайта ишлаш ва талқин қилишда петрофизика ва петроэластик тадқиқотларнинг комплекс методологиясини жорий этиш натижасида қудуқда синов учун истиқболли объектларни аниқлашга, уларни синаш орқали Илонли конида саноат аҳамиятига эга нефть ва газ оқимлари олинишига (2, 3, 4 қудуқлар) ва Телегри майдонидаги карбонат ётқизиқларининг нефтгазлилиги тасдиқлашга (1-қудуқ) эришилди.

ХУЛОСА

«Бешкент эгилмаси юра даври карбонат ётқизиқларининг фильтрация-сифим хусусиятлари ва уларнинг нефть ва газ уюмларини башоратлашдаги аҳамияти» мавзусидаги диссертация ишининг назарий ва амалий натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бешкент эгилмаси ҳудудидаги карбонат формациясининг гипсометрик жойлашуви қўшни ҳудудлардагига нисбатан катта чуқурликка эгаллиги ва қатлам босимининг юқорилиги билан фарқланади, бу эса коллекторларнинг мураккаблигини оширади ва уларнинг фильтрация-сифимли хоссаларига ўз таъсирини ўтказади. Шу сабабли, углеводородларни излашда мақсадли объект сифатида карбонат формациясининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, умумлаштирилгандан олдинги ва кейинги 3D сейсморазведка маълумотлари ва уларни анизотропия хусусиятлари ҳамда литологик-фашиал турларини ҳисобга олган ҳолда рақамли геологик моделларининг аниқлигини ошириш тавсия қилинади.

2. Депрессия фашияси зонасидаги ўрта ва юқори юра карбонат ётқизиқларининг петрофизик хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида юқори юра карбонат ётқизиқлари учун ғовакликнинг 2-20,7% оралиғида ўзгариши, ўртача қиймати эса 6,5% бўлиши, ўрта юра ётқизиқларида эса 2,01-20,4% оралиғида, ўртача қиймати эса 6,11% ни ташкил этиши аниқланди. Ўтказувчанлик қиймати бўйича юқори юра учун $0-210 \cdot 10^{-3}$ мкм² ни, ўртача қиймати $6,97 \cdot 10^{-3}$ мкм² ни, ўрта юра ётқизиқлари учун $0-220 \cdot 10^{-3}$ мкм², ўртача қиймати $6,69 \cdot 10^{-3}$ мкм² ни ташкил этади. Иккала интервал учун ҳам фильтрация-сифимли хусусиятларининг чегара қийматлари - $K_f = 6\%$, $K_{\bar{y}} = 0,1 \cdot 10^{-3}$ мкм², $K_{\text{КС}} = 78\%$ кўрсаткичларга эгаллиги аниқланди.

3. Карбонат ётқизиқларининг асосий таркибий қисмларига мос келадиган эластик модуллар ва коэффициентлар ёрдамида мақсадли горизонтларнинг эластик хусусиятларини баҳолашга имкон берадиган оптимал, мослаштирилган самарали модел аниқланди. Петроэластик боғлиқликлар таҳлили эластиклик параметрларининг фильтрация-сифимли

хусусиятларига боғлиқлигини тасдиқлаган ҳолда, сейсмик маълумотлар асосида ФСХни башорат қилиш имконияти тасдиқланди.

4. Бешкент эгилмасида мураккаб турдаги карбонат коллекторлари фильтрация-сигимли хусусиятларини икки ва уч ўлчамда тақсимланишини моделлаштириш учун сейсмик инверсия ва нейротармоқлардан фойдаланиш имконияти тасдиқланди, эҳтимоллик ёндашувлари билан биргаликда амалга ошириш эса нефть ва газ уюмларини изашда муҳим аҳамиятга эга бўлган башоратлаш ишончлилиқ даражасини баҳолаш имкониятини берди.

5. Бешкент эгилмаси юра ётқизиклари карбонат формацияси учун ФСХнинг характерли ўзгаришлари керн маълумотлари ва ҚГТ мажмуаси билан аниқланди, шунингдек ҚГТ мажмуаси билан нефтгазга тўйинганлик ва самарали қалинлик ўзгариш оралиқлари аниқланди, бу эса ўз навбатида карбонат коллекторларининг фойдали ҳажмларини баҳолаш учун ҳақиқий маълумотлар базаси ва шунга ўхшаш геологик шароитларга эга бўлган кўшни ҳудудларда ФСХни башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

6. Бешкент эгилмаси учун биринчи марта ФСХ ва геологик кўрсаткичлари бўйича плей-таҳлил асосида юра ётқизиклари карбонат формацияси коллекторларининг истиқболлилиқ харитаси яратилди ва тавсия қилинди, унга кўра тадқиқот ҳудудида кам истиқболли, ўрта истиқболли, истиқболли, юқори истиқболли зоналар аниқланган.

7. Батафсил геологик моделларни қуриш ва захираларни ҳисоблаш параметрларини аниқлаштиришда глобал миқёсда ФСХни ўрганиш имконини берувчи замонавий дастурий таъминот тизимларидан фойдаланган ҳолда геологик ва геофизик маълумотларнинг интеграциясини амалга ошириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ
И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ «ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И
РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ»**

ТОКАРЕВА КСЕНИЯ МУДЖАХИДОВНА

**ФИЛЬТРАЦИОННО-ЁМКОСТНЫЕ СВОЙСТВА
ЮРСКИХ КАРБОНАТНЫХ ОТЛОЖЕНИЙ БЕШКЕНТСКОГО
ПРОГИБА И ИХ ЗНАЧЕНИЕ ДЛЯ ПРОГНОЗА
ЗАЛЕЖЕЙ НЕФТИ И ГАЗА**

04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024 г.

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2023.2PhD/GM168.

Диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Каршиев Одаш Абдугафорович доктор философии по геолого-минералогическим наукам (PhD), старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Юлдашев Гафур доктор геолого-минералогических наук Шарафутдинова Лейла Полатовна доктор философии по геолого-минералогическим наукам (PhD), доцент
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «10» января 2024 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б. e-mail: igirnigm@ing.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрировано за № 4348). (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Автореферат диссертации разослан «15» декабря 2023 г.
(реестр протокола рассылки № 74 от «16» октября 2023 г.).



Т.Х. Шоймуратов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

М.Г. Юлдашева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

А.Н. Богданов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире при постоянно растущем спросе на энергоресурсы, наблюдается тенденция повышенного роста объёмов запасов углеводородного сырья. При этом отмечается весьма высокая изученность крупных месторождений нефти и газа с несложной геологической структурой и наблюдается постепенный переход на опосредованное более сложных объектов, содержащих углеводороды. В связи с этим, одной из приоритетных задач нефтегазовой геологии является фильтрационно-ёмкостное моделирование сложнопостроенных карбонатных коллекторов с целью увеличения прироста нефти и газа, имеющее теоретическое и практическое значение.

В мире ведутся научные исследования по разработке новых научных направлений, связанных с технологиями, позволяющими достоверно прогнозировать залежи углеводородов со сложным типом коллектора. Особое внимание уделяется разработке петроупругой модели карбонатных трещиноватых пород, содержащих углеводороды различного фазового состава, определению флюидонасыщенности геологических структур по сейсмическим данным, количественной оценке фильтрационно-ёмкостных свойств карбонатных продуктивных отложений и их зональному прогнозу для повышения эффективности геологоразведочных работ.

В Республике достигаются определённые научные результаты по повышению эффективности геологоразведочных работ, внедрению передовых технологий поиска горючих ископаемых, созданию стабильной топливно-энергетической системы, совершенствованию которых необходимо для социально-экономического развития страны. Опираясь на Стратегию развития Нового Узбекистана¹, можно подчеркнуть важность «продолжения реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и рост объёма производства промышленной продукции». Исходя из этого, изучение геологических моделей с учётом пространственного распределения фильтрационно-ёмкостных свойств в залежах карбонатных отложений юры, с использованием современного программного обеспечения для повышения эффективности геологоразведочных работ с наращиванием углеводородных запасов имеет большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование способствует выполнению задач, предусмотренных постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4522 от 18 ноября 2019 г. «О мерах по совершенствованию системы организации и проведению геологоразведочных работ на нефть и газ», Указом Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 г. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указом

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Президента Республики Узбекистан № УП-116 от 27 июля 2023 г. «О мерах по эффективной организации государственного управления в сфере горнодобывающей промышленности и геологии в рамках административных реформ», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VIII «Науки о Земле» (Геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

